

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ
АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ ГРАНТИ
ШАКЛИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Отабек Нишонович ХУСАНОВ

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Банк молия академияси

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: otabekdfhu@mail.uz

Аннотация

Ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат гранти шаклида молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари таҳлил қилинган ва тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: Нодавлат нотижорат ташкилотлар, молия, пул маблағлари, давлат гранти.

**ВОПРОСЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО ЗНАЧИМЫХ
ПРОЕКТОВ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ
ОРГАНИЗАЦИЙ В ФОРМЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ГРАНТОВ**

Отабек Нишонович ХУСАНОВ

Доктор философии (PhD) по философским наукам

Банковско-финансовая академия

Ташкент, Узбекистан

e-mail: otabekdfhu@mail.uz

Аннотация

В данной статье анализируются вопросы финансовой поддержки негосударственных некоммерческих организаций в виде государственных грантов и предлагаются предложения по совершенствованию системы.

Ключевые слова: Негосударственные некоммерческие организации, финансы, денежные средства, государственный грант.

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини ошириш, ОАВнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, инсон ҳукуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли Фармонида ННТ ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2021 йилда камида 1,2 бараварга ошириш белгиланган.

Таҳлилларга асосан, шу даврда ННТларни қўллаб-қувватлаш ҳажми 3 бараварга ошиб, Фармонда белгиланган вазифанинг ижроси таъминланган.

Фонд маълумотларига кўра, 2017-2023 йиллар давомида ННТларнинг 3 733 та дастур ва лойиҳалари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 717,4 млрд. сўмга молиялаштирилган.Faқатгина республика бюджетидан 634,7 млрд. сўм йўналтирилган бўлиб, бу жами ажратилган сумманинг 88,4 фоизини ташкил қилмоқда.

Шу даврда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори 27 бараварга ошган бўлса, республика бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори 23 бараварга ошганлиги кузатилмоқда. Маҳаллий бюджетдан эса ННТларни қўллаб-қувватлаш учун 2023 йилда 50,6 млрд. сўм ажратилиб, маблағлар миқдори 2021 йилга нисбатан 4 бараварга ошган.

Мазкур ўсиш 2021 йилда худудларда маҳаллий кенгашлар ҳузурида жамоат фондларининг ташкил этилиши, маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилиши ҳамда унинг миқдори изчил ўсиши билан бевосита боғлиқ.

Умуман, давлат бюджети маблағлари ҳисобига қўллаб-қувватланган дастур ва лойиҳаларнинг умумий сони 2017 йилга нисбатан 2023 йилда 4,4 бараварга ўсиб, 1 160 тани ташкил этмоқда.

Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ва фонд маблағларни бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда – ННТ) ва фуқаролик жамияти бошқа институтларига танлов асосида давлат грантлари ажратиб келинмоқда.


ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилаётган давлат гранти нима?

Давлат гранти нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Давлат грантларини ажратиш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, шунингдек Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш жамоат фондлари (кейинги ўринларда - ҳудудий жамоат фондлари) орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Давлат грантлари ажратиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг асосий молиявий манбаси давлат бюджетининг республика даражасидаги бюджети ҳисобидан шаклланса, Ҳудудий жамоат фондларининг манбаси эса асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланади.

2008 йилда 7 та ННТ ва фуқаролик жамияти институтларига 379 млн. сўм давлат гранти ажратилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсатгич 231 та 6 млрд. 550 млн. сўм, 2022 йилда эса 160 та ташкилотга 12 млрд. сўм маблағ ажратилган.



2008-2023 йилларда давлат гранти танловларида молиялаштирилган лойиҳа ва ажратилган маблағлар

Шу билан бир қаторда Парламент комиссияси ва Олий Мажлис

хузуридаги жамоат фонди томонидан 2020-2023 йилларда худудларда давлат грантлари тўғрисида 200 дан зиёд ўқувлар ва “маҳорат дарслари” ташкил этилган. Натижада, 2021 йилдан бошлаб ҳудудий вакиллик органлари хузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Ҳудудий жамоат фондлари тўлақонли фаолиятини бошлаган. Жойларда ижтимоий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йилда маҳаллий бюджетлардан 313 та лойиха 9 млрд. 377 млн. сўмга, 2022 йилда 241 та лойиха 9 млрд. 23 млн. сўмга молиялаштирилиб 2023 йилда 250 дан ортиқ лойиҳаларни 13 млрд. сўм яқин маблағлар билан молиялаштириш режалаштирилган.

Қўллаб-қувватланган давлат гранти лойиҳалари доирасида куйидаги ижтимоий муаммоларни хал этиш учун йўналтирилган маблағларни кўриш мумкин:



Ажратилган маблағлар натижасида, 17 886 та давра сұхбатлари ва тадбирлар ташкил этилган ва уларда 2 459 973 нафар фуқаро қамраб олинган ҳамда 1 810 нафар кўнгилли жалб этилган. 13 322 нафар фуқарога ижтимоий, хуқуқий, тиббий, психологик ёрдам, 77 899 нафар фуқаронинг билим, кўникумлари оширилган ва қасбга ўқитилган, 6 414 нафар фуқарони бандлиги

таъминланган ҳамда 546 та фуқароға кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, 19 977 нафар фуқаро санъат ва китобхонликка жалб этилган. 180 нафар ногиронлиги бўлган шахслар спорт турларига ва 13 778 нафар фуқаро соғлом турмуш тарзига жалб этилган. 27 та спорт майдончаси ва 19 та маҳаллани ободонлаштиришга кўмаклашилган. 15 та кутубхона, ва 8 та ўкув курслари ва тўгараклар ташкил қилинган. 500 та брайл ёзувли китоблар чоп этилган. 120 та аудио китоблар жамланмаси шакллантирилган. 7 902 нафар фуқаро ичимлик суви билан таъминланган. 100 048 та тарқатма материаллар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўtkazilgan видеоселектор йифилишида “Ўзи ёки қарамоғида ногиронлиги бор яқини бўлган хотин-қизларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш борасида, нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган грантлар миқдори 5 бараварга оширилиб, 200 млн. сўмгача етказилади” деб таъкидланди.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан давлат гранти шаклида бир лойиҳа учун ажратиладиган маблағларнинг миқдори лойиҳанинг мақсад вазифалари ва амалга ошириладиган ишларнинг кўламидан келиб чиқиб 2018-2019 йилларда 18 млн. сўмдан 30 млн. сўмгача, 2020-2021 йилларда 25 млн. сўмдан 40 млн. сўмгача ва 2022-2023 йиллар келиб бир лойиҳа учун 50 млн. сўмдан 100 млн. сўмгача маблағлар ажратилган.

Шунингдек, ушбу ажратилган маблағлар доирасида турли соҳаларда қисқа муддатли ва ўрта муддатли лойиҳалар амалга оширилган. Сўнгги тўрт йил давомида ажратилган давлат гранти лойиҳаларини ўрганишлар натижасига кўра қисқа муддатли лойиҳаларни 6 ойгача, ўрта муддатли лойиҳаларни 12 ойгача бўлган муддат этиб белгиласа бўлади. 2020-2022

йилларда ажратилган лойиҳаларни таҳлилидан қуидагиларни кўриш мумкин:

- 2020 йилда 35 та грант лойиҳалари 6 ойгача, 202 та лойиҳалар 7 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда;
- 2021 йилда 11 та грант лойиҳа 5 ойдан 6 ойгача, 279 та лойиҳа 7 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда;
- 2022 йилда 160 та лойиҳа 8 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда;
- 2023 йилда 192 та лойиҳа 8 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда амалга оширилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллардан қўриниб турибдики, давлат гранти шаклида бир лойиҳа учун ажратиладиган маблағларнинг микдори оширилган сари ННТлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари хам ошиб борган. Албатта, лойиҳага ажратилаётган маблағлар микдори лойиҳанинг мақсади, вазифалари ва амалга ошириладиган ишларнинг кўламига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Бир томондан ННТларни қўллаб-қувватлаш иккинчи томондан мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни хал этиш учун йўналтирилаётган давлат гранти маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 2018 йилда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади. Яъни ННТлар ўзлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни жамоатчилик назорати субъекти сифатида ўзларини ўзлари назорат қилишлари мумкин, аммо бу назорат ҳаққоний ва самарали бўладими? Шу сабабли, ННТлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат кўмагида амалга оширилган лойиҳа ва дастурларнинг натижалари юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорликни ошириш, самарадорликни баҳолаш масаласи “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши

бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасига киргани ўринли деб ҳисоблаймиз.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда тадқиқот олиб бориш жараёнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар хам мавжуд.

1. Давлат гранти ҳисобига фаолиятини юритадиган ННТлар молиявий манбаларидан ва барқарорлигидан келиб чиқиб меҳнат муносабатларини амалга оширади ва бунда қўйидаги қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин:

- аксарият ННТлар “грантдан-грантгача” принципига асосланган ҳолда ишлашга ўрганиб қолади. Грант танловларида ғолиб бўлиб, тавсия этилмаган тақдирда уставида белгиланган фаолиятини ҳам маромида бажармаслик;

- баъзи ҳолларда фақат давлат гранти маблағлари эвазига ишлайдиган ва яшайдиган ННТларнинг ходимлари бир лойиҳадан бошқа лойиҳага ўтиб ишлайди ёки бир ходим бир вақтнинг ўзида бир нечта лавозим вазифаларини бажариши амалиёти мавжуд. Бу эса ходимларни самарали бошқаришга ва лойиҳаларнинг мақсад ва вазифаларига эришишга ҳам ўз таъсирини ўтказади;

- грант ҳисобига фаолият юритадиган ННТларда молиявий ресурслар танқислиги пайдо бўлган ҳолларда ННТ раҳбарлари иш берувчи сифатида ўз қонуний мажбуриятларини бажара олмайдиган вазиятлар бўлади. Айниқса грант лойиҳасининг бюджетида бундай харажатлар кўзда тутилмаган бўлса, иш вақтидан ташқари иш учун компенсация ва қўшимча ҳақ тўлашга имкони бўлмайди.

2. Ҳар йилги эълон қилинадиган давлат гранти мавзуларининг йўналишлари очиқ жамоатчилик муҳокамасига асосланиб белгиланадиган тизимни жорий этилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Давлат гранти мавзуларининг йўналишлари молия йилининг бошида очиқ платформада ҳамда ОАВларда кенг ёритиш орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйиш таклиф этилади.

Бунинг натижасида жойлардаги бугунги кундаги долзарб муаммоларни ҳал эта оладиган лойиҳаларга ва соҳаларга кўпроқ эътибор қаратилишига

эришилади.

3. Давлат гранти шаклида қўллаб-қувватлашнинг ҳажмларини ошириш бунда ҳар бир лойиҳанинг мақсад вазифаларидан келиб чиқиб 200 млн. сўмгача битта лойиҳани молиялаштириш таклиф этилади. Давлат грантининг молиялаштириш ҳажмлари оширилиши унинг нуфузини юксалтиради, кўпроқ ННТлар давлат гранти танловларида иштироки кенгаяди, талабгорлар кўпайган сари эса рақобат кучаяди. Рақобат бор жойда очиклик шаффоффлик таъминланади ва лойиҳаларнинг сифати ошади.

4. Давлат гранти бўйича қўллаб-қувватланадиган лойиҳалар амалга оширилишида давлат органлари билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш механизмини жорий қилиш керак деб ҳисоблаймиз. Қўллаб-қувватланаётган грантларни ҳажми ошганидан сўнг унинг назорати ҳам кучайтирилиши зарур бўлади. Бунда ҳар бир давлат гранти лойиҳасини соҳасидан келиб чиқиб тегишли давлат органларини ушбу лойиҳага ҳамроҳлик ва ижтимоий шериклик принципларида ёрдам кўрсатиши ҳамда ўз ўрнида лойиҳани бюджет маблағлари ҳисобидан самарали амалга ошиши назоратини йўлга қўйиш мумкин бўлади.

5. ННТлар томонидан ҳар бир грант лойиҳаларини тайёрлашда ижтимоий муаммони жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиш ва лойиҳанинг мақсад вазифаларини белгилашда жамоатчилик фикрини ҳам ўрганиш лозим ҳисобланади. Ушбу тартибда ишлаб чиқилган лойиҳалар сифати яна ҳам юқорироқ ва қўйилган масаланинг аҳамияти яна ҳам долзарброқ бўлади. ННТлар томонидан лойиҳанинг сифатидан ташқари унинг барқарорлиги ва давомийлигига ҳам эътибор қаратишлари муҳим. Қисқа муддатли лойиҳалардан аста секин узоқ муддатли ва ижтимоий аҳамияти кўпроқ сақланиб қоладиган лойиҳаларни ташкил этиш ва давлат томонидан ушбу лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Илмий таъдқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ННТлар ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўлида ўз фаолиятини олиб борар экан, уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланишида давлат томонидан грантларнинг

ажратилиши, шунингдек, уларнинг ҳажмлари ошиб боришидан мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этилаётганини кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел 763-1-сон Қонуни. WWW.Lex.uz

3. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январь ЎРҚ-76 сонли Қонуни. WWW.Lex.uz

4. Ижтимоий шериклик тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрь ЎРҚ-376-сон Қонуни. WWW.Lex.uz

5. 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрь ПФ-6181-сон Фармони. WWW.Lex.uz

6. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сон Фармони. WWW.Lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

8. Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. Инсон хуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Хуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012.

9. Холманова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидағи ўрни: юрид. фан. ном.... дис. – Тошкент: ТДЮУ, 2012.

10. Якубов Ш. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг хуқуқий механизмлари: монография. – Тошкент: LESSON PRESS, 2018. – 206 6.